

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ



Мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу шонли сана муносабати билан 9 май куни пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Олмасор туманида барпо этилган Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Лекин бу жасоратни бор қўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит

мажмуа йўқ эди. Ўтган йили Президентимиз улкан боғ барпо этиб, халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурган эди.

Шундан сўнг, илмий-ижодий жамоатчиликнинг таклифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида бадий-меморий концепция ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор танишди.

▶ Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам уруш ва меҳнат фахрийлари! Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолинингизда кўп миллатли бутун халқимизни Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар! Барчангиз хабардорсиз, сизлар билан бирга бундан роппа-роса бир йил муқаддам азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида мухташам Ғалаба боғини барпо этишга қарор қилган эдик. Ушбу қароримиз замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади мужассам экани сизларга яхши маълум.

Худода минг бор шукрки, эл-юртимиз дилидаги ана шу эзгу ният ижобат бўлиб, улуг айём кунларида уруш ва меҳнат фахрийлари билан Ғалаба боғида ва "ойнаи жаҳон" орқали дийдор кўришиб турибимиз.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакорр мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам мейморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоёта ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Мана шу улкан майдонда қисқа муддатда жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва обдонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида Ғалаба боғи, "Шон-шараф" музейи, "Мангу жасорат", "Матонат мадҳияси" монументлари бунёд этилди. Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг қўламли тарихий-бадий экспозициялар яратилди.

Агар вақт имкон берганда эди, уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапирishi мумкин бўларди.

Уруш давридаги жангларни эслатадиган баланд тепалик устида афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий қўмондонларимиз, ўзбекистонлик барча ботир жангчиларнинг сўнмас хотирасига атаб "Мангу жасорат" деб номланган улуг-вор монумент барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида "Шон-шараф" музейи бунёд қилинди. Бу ерда намойиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалабага буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади.

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қаҳрамонлиқни улуглайдиган, ўзида она Ватан тимсолини мужассам этган "Матонат мадҳияси" монументи пойига гулчамбар қўйиб, фидойи юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирдик. Шунга айтиш керакки, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадий образ эмас, балки ҳаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа — мўътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокированынг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш урғоти Холмат ака вафот этган, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни тарбиялаб воёга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳмаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғлидан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яқсон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз қулфатга бардош бера олди.

Уруш тўғрисида Зулфия Зокированынг тўрт келини Бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса — симириб, тош келса — кемириб, қаҳрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртнинг ташвиш ва қувончлари билан яшади.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўрнак олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолди — бошқа турмуш қурмади.

Мана, бугунги давримизда Зулфия ая Зокированынг қариндошлари — хурматли Раҳимжон Аҳмаджон, Фарход Маҳмаджон, Маърифат Аҳмаджон, Саноат

Маҳмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмоқдалар. Бошларига тушган оғир қийинчиликларни мардона энгиб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, "Матонат мадҳияси" деган монумент барпо этишни таклиф қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, халқимиз бу ташаббусни қизгин қўллаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва достонлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен "Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан яратилган "Илҳақ" бадий фильми тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Истеъдодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов суратга олган ушбу ажойиб фильми мен кеча жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилдим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар том маънода қаҳрамонлик қасдаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Даҳшатли уруш тўғрисида беш нафар баҳодир ўғлидан айрилган, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ, яъни интизор бўлиб кутган Зулфия Зокирова сиймосида ўзбек оналари, ўзбек аёллари га мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифода топган. Биз бу бадий гузал асарни бугунги улуг байрам кунинда барча телеканалларимиз орқали кенг намойиш этишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни мана шу фильмини оила даврасида кўришга, унинг қаҳрамонларидан ўрнак олишга даъват этаман.

Катта гурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида "Матонат мадҳияси" деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган хайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик

бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуғ зиёратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қониди, суюғиди бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуг инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман.

Айтиш керакки, қисқа вақт ичида, айниқса, карантин шароитида Ғалаба боғи деб ном олган бу улкан мажмуани барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин барча қийинчиликларга қарамасдан, моҳир қурувчи ва мейморларимиз, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва хайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли бир иш деб билиб, туну кун фидокорона меҳнат қилдилар. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакорр мажмуа 9 май байрамига қуриб битказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу гоёта эзгу ишга чин юракдан ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номидан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ғалаба боғи, Хотира, Қадр-қиммат боғи ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Азиз фахрийлар! Бугунги қутлуғ айёмда барчамиз, аввало, ўз жонини она юрт учун қурбон қилган ватандошларимизнинг руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Сизлар қаби минглаб уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларини — азму шижоатли, довурак ота-бобларимиз, сабр-матонатли оналаримиз, молларимизнинг номларини хурмат билан тилга оламиз.

Афсуски, карантин тўғрисида сизларнинг барчангизни бу гузал масканга, бугунги тантанали маросимга олиб келолмадик. Лекин мана шундай муқаддас ва шукҳули кунда ҳаммамиз руҳан, қалбдан сизлар билан биргамиз.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти ҳозир вилоятларда, ҳарбий округларда, бошқалари эса ўз хонадонларида

оила аъзолари билан 9 май байрамини нишонламоқдалар. Улар "ойнаи жаҳон" орқали бугунги тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб бормоқдалар.

Сизларнинг ҳаммангизни — марказда ва жойлардаги байрам тадбирларида иштирок этаётган, шунингдек, ушбу тантанали маросимни уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган фидойи инсонларни улуг айём билан яна бир бор табриклаб, ўзимнинг юксак хурмат ва эҳтиромимни билдираман. Сиз, азизларнинг барчангизни фойбона бағримга босиб, бугунги эркин ва озоқ ҳаётни таъминлаш йўлида кўрсатган мардлигиниз, Ватанга садоқатингиз учун ўз номидан, халқимиз номидан раҳматлар айтиб, энг эзгу ва самимий тилақларимни изҳор этаман.

Биз сизларнинг тимсолинингизда ўзининг доно маслаҳатлари, бой ҳаётий тажрибаси билан ҳаммамизга устоз ва дуоғўй бўлиб юрган мўътабар инсонларни кўраимиз. Сизларнинг ҳар бирингиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳаёт йўлида дуч келаётган турли қийинчилик ва муаммоларни, ҳозирги кунда бошимизга тушган синовларни енгиб ўтишда биз сизларнинг мислсиз сабот ва матонатингиздан, қатъиятингиздан доимо куч ва ибрат оламиз. Ёш авлодимизни Ватанга, халққа садоқатли, жасур инсонлар этиб тарбиялашда биз сизларни доимо ўрнак деб биламиз ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Жонаҳон юртимизнинг файзу фариштаси бўлган сиз, азизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш учун бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қиламиз.

Мухтарам ватандошлар! Бугун Ғалаба байрамининг 75 йиллигини нишонлар эканмиз, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги ҳақида тақдор ва тақдор уйлашимиз, албатта, табиийдир.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланғичи 1-бетда

Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ эмасди. Ҳозирги вақтда 158 мингдан кўпроқ ҳаётимиз урушда бедарак кетгани аниқланди.

Мана, дахшатли урушда халқимиз қандай оғир йўқотиш ва талафотлар берган, қандай азоб-уқубатларни бошидан кечирган!

Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар ордон ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам оидинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисобланган ўзбекистонлик Совет

Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юрдошимиз учун даражадаги Слава орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Мен мана шундай бебаҳо ҳақиқатни юзага чиқариб, адолатни қарор топтиришга катта ҳисса қўшган тарихчи олимларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларимизга катта раҳматлар айтаман. Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларни давом эттиришга, мана шу Ғалаба боғидаги “Шон-шараф” музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришга даъват айтаман.

Ота-боболаримиз жасоратини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр этсак, ўйлайманки, айти мудоао бўлади.

Оловли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи “Ҳамма нарса — фронт учун”, “Ҳамма нарса — Ғалаба учун!” деган ҳаётий эътиқод билан яшайди. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустақам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўп миллатли аҳолиимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва гоёт қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-миглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволаниб шифо топдилар.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнги бурда нонини ҳам улар билан баҳам қўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён этди.

Бугун биз сизлар билан биргаликда янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги ҳаёт, беқеёб ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва оқойишталликни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Бугунги улуғ айёмда фашизмга қарши курашга муносиб ҳисса қўшган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни самимий табриқлаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ишонч қил, қаҳрамон аждодларимизнинг жасоратига содиқ бўлган

Азиз ва қадрли ватандошларим! Барчангизни яна бир бор буюк Ғалабанинг 75 йиллик байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни билан чин юракдан табриқлайман.

олижаноб халқимиз тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни янада мустақамлаш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Мана шундай мусаффо осмон, эркин ва озоқ ҳаёт учун курашларда голиб чиққан фахрийларимизга шон-шарафлар бўлсин! Майд ва матонатли халқимиз ҳаммаша омон бўлсин! Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Бошланғичи 1-бетда

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ғалаба боғи ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат. Биринчисида ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, иккинчисида фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.

Президентимиз дастлаб “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу ёдгорлик қандайдир бадий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа — мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан — Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳмаджон, Ваҳобжон, Усофжон исмли азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрнат олиб, ўз оиласига содиқ қолган, бошқа турмуш қурмаган.

Утган йилги Хотира ва қадрлаш кунинда давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садақатли келинлари хотирасига атаб мухташам ҳайкал ўрнатилиши ҳамда унга “Матонат мадҳияси” деб ном бериш таклифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизгин қўллаб-қувватлади. Шу мавзуда мақолалар, шеърлар ва бадий фильм яратилди.

Бугун Ғалаба боғининг марказида кўшбу муазам обида қад ростлаб турилди.

— Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун кутлуғ зиёратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садақат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонидан бўлган фазилатларини англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг мудҳиш, энг бешафқат тўқнашув бўлган.

Жангу жадаллар Европа, Осиё ва Африка қитъаларида, ҳавою океанларда кечган. Баъзи маълумотларга кўра, бу урушда жами 85 миллионгача инсон ҳалок бўлган. Ер юзи беҳисоб вайронагарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

Давлатимиз раҳбари аввалиги чиқишларида Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган хиссасини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан сўнг бу борада катта илмий тадқиқотлар қилинди. Илгари ёпиқ бўлган тарихий ҳужжатлар ҳам ўрганилди. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қаҳрамон аждодларимиз ҳақида янги маълумотлар қўлга киритилди.

Масалан, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топишган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қаҳрамонлик кўрсатганлар.

Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одам ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикаимиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қурол-яроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб турилган.

Минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнги бурда нонини ҳам баҳам қўрган.

Элимизнинг бу жасорати, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик фазилатлари ҳали ҳамон шон-шараф мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда. Вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

“Шон-шараф” музейида ана шундай шонли тарих ўз ифодасини топган. Икки қаватдан иборат мазкур музей халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоён этувчи мажмуадир. Бу ерда тарихий факт ва воқеалар замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида акс эттирилган.

Давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишди. Бу ердаги экспонатлар Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага катта ҳисса қўшган халқимизнинг жасоратини тараннум этишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Бу музейнинг пайдо бўлиши адолатнинг тикланиши демакдир. Тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш воқеаларини бир жойда намоён этадиган бундай маскан йўқ эди. Бу ишлардан мақсад-муддаомиз — халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага қўшган буюк хиссасини тарихга муҳрлаб қўйиш, ёш авлодларга етказиш. Юз йиллардан кейин ҳам одамлар келиб, уруш воқеалари ва оқибатларини, тинчлик қадрини билиши керак, — деди Президент.

Музей оптика бўлимидан иборат бўлиб, биринчи бўлимда республикамиз аҳолисининг фронтга сафарбар этилиши, жанг майдонларидаги жасорати акс эттирилган. Иккинчи бўлим “Ўзбекистон — фронт учун ишончли таянч қўргони” деб номланган. Кейинги бўлимда уруш йилларида юртимиздаги илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари намойиш этилган. Тўртинчи бўлим “Уруш ва ғалаба ҳақида хотиралар, халқнинг қувонч ва шодлиги” деб аталган бўлса, навбатдаги шўъбада уруш йилларидаги бадий адабиёт, санъат ва матбуот ҳақида ҳикоя қилинган. “Мардлар жасорати мангу яшайди” номи оптинчи бўлимдан 33 жилдик “Хотира” китоби, шунингдек, байрам муносабати билан нашр этилган китоб-альбом ва бошқа экспонатлар урин олган.

Шавкат Мирзиёев “Шон-шараф” музейида ҳар бир қўмондонликнинг ўз жойи бўлиши, илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг экспозицияларини тўлдириб бориш зарурлигини таъкидлади. Ҳарбий хизматчи ва курсантларни, ёшларни бу ерга олиб келиб, уларда мардлик, фидойилик руҳини шакллантириш бўйича тавсиялар берди.

“Шон-шараф” музейи архитектуравий жиҳат-



дан ҳам ноёб шаклда барпо этилган. Биринчи ва иккинчи қаватлардаги экспонатлар орқали беомон жанг манзаралари, боболаримизнинг қаҳрамонликлари, фронт ортида қолган юрдошларимизнинг машаққатли меҳнати, госпиталлар, хатлар, турли-туман ҳужжатлар ва бошқа ашёлар билан танишиш мумкин. Музейнинг том қисмида генерал Собир Раҳимов ҳамда Иккинчи жаҳон урушида мислсиз жасорат кўрсатган қаҳрамонларимиз ҳайкаллари қад ростлаган бўлиб, бу ерга иккинчи қаватдаги зиналар орқали чиқилади. Бу ердаги майдончадан бутун боғ қафтдек кўринади. Сўнгра ташқи томондан қараганда ўзига хос тепалиқдан айлана йўлак бўйлаб тушилади. Йўлак четларида урушда ордон ва медаллар билан тақдирланган ўзбек ўғлонларининг исм-шарифлари битилган лавҳалар ўрнатилган бўлиб, бу бугунги авлодларда аждодларимизнинг ўлмас хотирасига эҳтиром туйғусини уйғотади.

Давлатимиз раҳбари боғдаги “Кўз ёши” мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Кўз шаклидаги бу бадий мажмуада урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги ифодаланган.

Боғ ҳудудида бир нечта мрамар деворларда композицион паннолар барпо этилган. Уларда саркарда боболаримиз тарихидан лавҳалар, Иккинчи жаҳон урушига оид энг муҳим маълумотлар, миллий армиямизнинг ҳозирги жанговар ҳолати акс эттирилган. Уруш йилларидаги қуй-қўшиқлар ва хабарлар асосида тарихий муҳит жонлантирилган.

Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда уруш ва меҳнат фахрий-

лари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар жам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриқлади.

Бу йил карантин туфайли уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти байрамни ўз уйларида нишонлади. Улар телевидение орқали тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр тилади. Нурунийлар юртимизга тинчлик-оқойишталик, элимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, ҳарбий округлардаги байрам иштирокчиларига намойиш қилинди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан видеоалоқа тизими орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Ғалаба боғининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси, жумладан, темир йўл вокзали, оқоллар барпо этилган, ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар кўргазмага қўйилган. Давлатимиз раҳбари ушбу техникаларни ҳам кўздан кечирди.

Ғалаба боғида аҳолининг тарих билан ҳамнафақ бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашув-

лар, адабий кечалар ўтказиш учун барча ша-роитлар яратилган. Мазкур боғ Ватанга садақат, ўз ҳаётини тинчлик ва озоқлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбари шу куни Тошкент шаҳри Чилонзор туманида барпо этилган Иккинчи перинатал марказни ҳам бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрдаги қарорига мувофиқ репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам сифати оширилиб, қўлани кенгайтирилмоқда.

Перинатал марказда илғор клиникалар тажрибаси асосида энг замонавий қўлайликлар яратилган. Магнит резонанс томограф, ракамли рентген, ультратовуш текширув аппарати, кольпоскоп, гистероскоп, электроэнцефалограф, электрокардиограф, лаборатор ва физиотерапевтик усунулар билан жиҳозланган. Марказнинг биринчи қаватида кўп тармоқли поликлиника, юқори қаватларида беморлар хонаси ва умумий амалиёт хоналари, жумладан, чақалоқлар реанимация бўлими жойлашган. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 140 нафар беморни даволаш мумкин.

Президентимиз тиббиёт марказида яратилган шароитлар билан танишди. Askdoctor.uz онлайн поликлиника дастури орқали шифокорлар билан мулоқот қилди.

— Коронавирус пандемияси кўзимизни очди. Тиббиётда ахборот технологиялари қанчалик муҳимлигини кўрсатди. Лекин бу бўйича шароитлар ҳам, ходимларнинг малакаси ҳам ҳали етарли эмас. Шу боис, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида дастур ишлаб чиқиш, телемедицинани жадал ривожлантириш керак. Бу вақт ва харажатни тежайди, эпидемиологик ҳавфсизликни ҳам таъминлайди. Яна юқумли касалликлар тарқалмаслиги учун оғоҳ, хушёр, тайёр бўлишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масофавий технологияларни туман шифохоналари, қишлоқ поликлиникаларида ҳам босқич-ма-босқич жорий этиш, тиббиёт ходимлари ва аҳолини ундан фойдаланишга ўргатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Перинатал марказнинг 100 ўринли мажлис заллида юртимиз ва хориждаги мутахассислар билан видеоконференциялар ўтказиш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур зални кўздан кечирди. Ҳар бир клиниканинг чет элда ҳамкори бўлиши кераклигини таъкидлади.

Марказ биноси инновацион қурилиш материаллари асосида сифатли ва энергiateжамкор қилиб қурилган. Шовилминг тиббий ёрдам хоналари учун барча қўлайликлар инобатга олинган. Бу эса аҳолига давлат даражасида кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликнинг ифодасидир.

ЎЗА

Германияда Ўзбек аскарлари хотирасига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Германияда ўзбек аскарлари хотирасига атаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси ҳам фашизмга қарши жангларда мардлик кўрсатиб, юрт озоқлиги учун қурбон бўлган ватандошларимиз қадрларини топиш, хотираларини абадийлаштириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия федерал еридаги Штукенборк шаҳарчасида уруш йиллари барпо этилган “Шталаг 326” (Stalag 326 VI K Senne) ҳарбий лагери музей ва архив ташкилоти билан биргаликда олиб борилган изланишлар натижасида 1941-1945 йилларда ушбу лагерга келтирилган ватандошларимизга оид ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, ҳарбийлар қабристони-га дафн этилган ўзбек аскарлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплашга муваффақ бўлинди.

Тўпланган маълумотларга кўра, ушбу лагерга келтирилган 65 минг ҳарбий асир орасида 360 нафар ўзбек аскарлари бўлган ва улардан 35 нафари “Штукенборк” ҳарбий қабристонида умумий ҳолда дафн этилгани аниқланган. 2018-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон элчихонаси ташаббуси билан “Шталаг 326” архив материалларини ўрганиш натижасида яна 20 нафар ватандошимиз мазкур қабристонда мангу ором топлани аниқланди.

“Дунё” АА, Берлин



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

АМЕРИКАЛИКЛАР ЭҲТИРОМ КЎРСАТГАН ҚАҲРАМОН

Зулфия ЮНУСОВА

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муҳитдин Умурдиновнинг хотира дафтарида кўз югуртирар эканман, беихтиёр улуг шоир ва адиб Гафур Ғуломнинг “Шум бола” асарини унинг бош қаҳрамони Қоровойнинг саргузаштлари ёдимга тушди. Дарҳақиқат, ҳаёт занжири синовлардан иборат. Бу синовлар Муҳитдин ака улғайган давр авлодлари учун бир қадр оғир кечган...

Ажалчанг солалмаган қаҳрамон

Муҳитдин аёвсиз жанглр давомида Беларусь шаҳри ва қишлоқларини фашист босқинчиларидан озод қилишда фаол қатнашди. 1944 йилнинг январдаги жанглрдан бирида ўн тўрт жойидан яраланиб, беҳуш йиқилди. Унга Гомель шаҳридаги госпиталда шовилич тиббий ёрдам кўрсатилди, қон қуйилди. Даволаш муолажаси узоқ давом этди. Бироқ кўп қон йўқотган йигит кўзини очмади. Шифокорлар унинг ҳаётга қайтишидан умидини узди. Вуҷудда ҳаёт аломати йўқ жангчи ўлиқонага жойлаштирилди. Орадан бир сутка ўтган, госпиталда қоровули ўлиқонага кириб, унинг нафас олаётганини сезиб қолди ва шифокорларга хабар берди. Қайта-қайта қилинган муолажалар ўз самарасини берди, йигит ҳушига келди. Бу ерда икки ой даволанган Муҳитдин Тюмень шаҳри госпиталида яна уч ой муолажа олди...

Хотира дафтаридаги юракни ларзага солувчи жанг тафсилотлари, қизиқарли ва хилма-хил воқеалар ўқувчини бейфарқ қолдирмайди. Айниқса, Муҳитдиннинг фашист танкларини йўқ қилишдаги жонбозлиги уни ҳақиқий қаҳрамонга айлантирди. Катта сержант Муҳитдин Умурдинов 1944 йилнинг июлида Кремлда уч юздан зиёд жангчи ва зобит қаторида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини қабул қилиб олди.

Америкадан хат келди

— Дадамнинг “Олтин Юлдуз” медали турли сабабларга кўра, уч марта йўқолиб, уч марта топилган, — дейди қаҳрамоннинг ўғли Раҳматжон Умурдинов. — Қарангки, катта сув тошқинида қишлоғимизда йўқолган медалъ Америкадан қайтарилди. Бу воқеага қисқача тўхталсам, 2000 йили менга Америкадан хат келди. Хат рус тилида бўлиб, қуйидаги сўзлар битилган: “Мен америкаликман, исми Генри Сакайда. Лос-Анжелес яқинида яшайман. Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ҳақида китоб ёзмоқчиман. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муҳитдин Умурдинов тўғрисида ҳам. Унинг урушда кўрсатган ҳамма қаҳрамонлиқлари ҳақида маълумотларни Москвадан, Мудофаа вазирлигидан олдим. Қаҳрамоннинг

урушдан кейинги ҳаётини менга ёзиб юборсангиз”. Отамнинг урушдан кейинги ҳаёти ҳақида унга ёзиб юбордим.

Шундай қилиб у билан танишиб олдим ва хат ёзишиб турдик. Бир гал у юборган хат билан бирга, бир неча расм келди. Не кўз билан кўрайки, расмда дадамнинг “Олтин Юлдуз” медали гувоҳномаси билан турарди. Ҳаяжонланиб кетдим, медалъ унинг қўлига қандай етиб боргани билан қизикдим, уни қанча нархга бўлса ҳам қайтариб олишимни айтдим. У пайтлар техника ривожланмаган, хатлар Америкага бир ойда бориб, бир ойда қайтарди. Шундай қилиб икки ой деганда ундан жавоб келди: “Хатингни ўқидим ва шу кунни тушимда дадангни кўрдим. У ҳам медални қайтаришимни истаяпти. Мен, албатта, уни қайтараман. Фақат ҳозирча қандай қилиб юборишни билмайман, бир йўлни топиб, сенга хабар қиламан”. Бу орада Генри уруш қаҳрамонларига бағишланган китобини ёзиб тургати ва менга ҳам бир нуска бериб юборди.

2004 йили ҳаётимдаги унутилмас воқеа юз берди. Мени Тошкентга чакиртиришди. Қува мудофаа ишлари бўлимидаги бир офицер билан у ерга етиб бордик, Мудофаа вазирлигида бўлдик. Эртасига Қуролли Қўчалар давлат музейида бир қатор уруш қатнашчилари ва меҳмонлар иштирокида Америка генерали Питер Пеис дадамнинг урушда кўрсатган жасоратлари ҳақида гапириб, унинг “Олтин Юлдуз” медалини тантанали равишда менга топширди. Беихтиёр кўзларим ёшга тўлди. Америкалик меҳмонлар, барча жонқур инсонлар ҳамда Генри Сакайдага ўз миннатдорлигини билдирдим. Маълум вақт ўтиб, Генрини Ўзбекистонга таклиф қилиб, у билан қўришдим... Медалъ қандай қилиб Америкага бориб қолгани эса ўзимиз учун ҳам ҳақон жумбоқ...

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муҳитдин Умурдиновнинг урушдан кейинги ҳаёти ва фаолияти ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. У уша даврда Кувада катта ободончилик ишларини амалга оширган. Масъулиятли вазифаларда хизмат қилган. Умир йўлдоши Мақсуда опа билан сажиз ўғилчини улғайтириб, элпарвар инсонлар сафига қўшган. Умирнинг сўнгига қадр эл орасида бўлган. Бир сўз билан айтганда, 69 йиллик умри давомида ҳаётининг заҳматли синовларига қўқрак тутиб, юрти учун ёниб яшаган. Бундай инсонлар хотираси ҳаммиса уйғоқ, ҳаммиса ҳурмат ва эъзоз ила ёдга олинишига лойиқдир.

Ўлим ўқи ўлдирмаган Тешабой

Нурulloх ОСТОН, журналист

1939 йилда Фарғона вилояти Сўх туманидан ҳарбий хизматга қақирилган Тешабой Одилов урушга ҳарбий ўқув машғулотлари ҳадисини олиб бўлган эди. 1942 йилда жасоратлари учун унинг олий ордени билан тақдирлангани ҳам шундан.

Рус ёзувчиси Павел Лукницкий ўзининг 3 томли китобида Тешабой Одиловнинг урушдаги фаолияти ҳусусида батафсил ёзган. “Союзхроника” томонидан олинган “Мерган разведкачи” ҳужжатли фильми 1942 йилда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг барча худудларида намойиш этилади. Ёзувчи Адҳам Раҳмат у ҳақда “Машҳур мерган” очеркни ёзган бўлса, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек “Илгитнинг йигити” дostonини унга бағишлайди.

Тешабой Одилов тожик миллатига мансуб бўлгани учун ТАСС муҳбири А.Михайлов 1942 йилда у ҳақидаги мақоласини “Тожикистони сурх” газетасига юборди ва чоп этилади. Тожик шоирлари Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар ва бошқалар Тешабой Одиловнинг жасорати ҳақида шеърлар битди, Сотим Улғуззода эса “Оташ кўйида” номли пьесасини сархалаштирди.

Ғарбий Белоруссияни озод қилишдаги жанглрда қатнашган Болтиқбўйи ҳарбий округининг 115-ўқи дивизияси жангчилари 1941 йилнинг сентябрида Выборт шаҳрида душман ҳужумини қарши оладилар. Лекин жангдан олдин фашист авиацияси томонидан берилган қақшатқич зарбалар душманнинг химояни ёриб қиришишга имкон яратди, қўшни ҳарбий қисмлар билан алоқа узилди. Душман дивизиянинг Ленинградга ўтадиган йўлини тўсиб, исканжага олиш учун тобора яқинлашиб келарди...

Душман озиқ-овқат ва ўқ-дороти таъминоти йўлини тўсиб қўйгач, 115-ўқи дивизияси командири, Нева тезкор гуруҳ қўмондонини генерал Василий Коньков Койвисто оролига мажбурий чекинишга буйруқ берди. Натияжада қақшатқич жанглрда турли дивизия ва батальонлардан омон қолган 10 минг аскар йиғилиб, ўзгирар баржалар орқали Кронштадт эвакуация қилинади. Тешабой Одилов эса Федор Черноскутов, Андрей Марченко каби қуролдошлари билан Нева дарёсининг чап қирғоғига жойлашади. Ҳарбий қисм ўша ерда душманни қарши олади. 48 кеча-кундуз мудофаада турган аскарлар сафидаги Тешабой Одилов 33 мартаба душман билан юзмаюз тўқнашиб, уларни енгади. Лекин 1941 йилнинг 11 ноябрида елка ва оёғи яраланиб, ҳарбий госпиталда бир ярим ой даволанади. Унинг жасорати ҳақидаги суратли мақола “Ватан химоясида” (“На страже Родины”) ҳарбий газетасида босилади.

Соғайганидан сўнг 43-ўқи дивизиясида мерганлиги билан танилади. (унинг 1413 рақамли мерганлиги милития Санкт-Петербург тарихий ҳарбий музейида экспонат сифатида сақланмоқда). Ленинград химоясидаги жанглрда қатнашади. Бунинг учун олий ордени билан тақдирланади. Барча фронт газеталарида Тешабой Одилов ҳақидаги мақолалар чоп этилади. Ойбек “Илгитнинг йигити” шеърини бундай яқунлайди:

У илгит ким? Ким у паҳлавон? Қай элатдан шундай мард ўлгон? Узбек ўғли, узбек — Тешабой, Фарғонали утиқар қарчағай. У Ватаннинг ёш қаҳрамони, Узбек халқи фарзанди, жони. Унинг номи юртда янғирайди, Суратига кўзлар тўймайди. Ҳар кўнғилда унга муҳаббат, Тарихларда у қолар абад. Илгитларнинг удир қаймоғи, Ёни урган ғазаб чакмоғи. Қурқув билмас полвон Тешабой, Шонлар сенга арслон Тешабой!

1942 йилнинг май-июнь ойларида ўзбекистонлик бир гуруҳ вакиллари — шоирлар, санъаткорлар Ленинград қамалидаги аҳоли ва жангчиларга соғва-салом олиб бордилар. Уларнинг бир гуруҳини жангчилар билан учрашувга олиб келиш лейтенант Тешабой Одиловга топширилади. Йўлда ўзбекистонлик вакиллар келаятган “полупортка” машина душман томонидан ўққа тутилди. Атрофда снарядлар портлай бошлади. Меҳмонларни машинадан тушириб олган Тешабой Одилов уларни чангалзор орқали ҳарбий қисмга соғ-омон олиб келади.


1942 йилнинг ёзида Тешабой Одилов Г.Гильбо қўмондонлигидаги 55-армия мерганлар мактаби бош-лиги ўринбосари қилиб тайинланади. “Ватан химоясида” газетасининг 1944 йил 24 июли сонидан Андрей Марченко ҳамда у билан жанглрда қатнашган Тешабой Одилов оғир ярадор бўлгани ва унинг милития Зинат Нигматуллинга топширилгани ҳақида қисқа хабар босилади. Шундан кейин уларнинг номи тилга олинмай, Нарва учун бўлган жанглрда ҳалок бўлган, дея таҳмин қилинади.

Андрей Марченко ва Тешабой Одилов номи Ленинград қамалида ҳалок бўлган жангчилар қаторида улар жанг қилган Нева дарёси қирғоғига ўрнатилган ёдгорлик тошига ўйиб ёзилади. 1961 йилда Павел Лукницкий “Ленинград ҳаракатда” (“Ленинград действует”) китобини чоп этади ва унда Ленинград жанглрда ҳалок бўлган Андрей Марченко ва Тешабой Одилов номларини келтирди. Оғир ярадор бўлиб, ҳарбий денгизчилар томонидан госпиталга олиб борилган Андрей Марченконинг тирик экани у китобда ўзи ҳақида ўқигач, ёзувчига хат ёзганида маълум бўлди. Шундай қилиб, 1963 йилда Тешабой Одилов билан жанглрда қатнашган Андрей Марченко ўша ерда жанг қилган қуролдошларини йиғиб, барча ҳалок бўлганлар қатори Тешабойни ҳам ёдга олади...

Тешабой Одилов эса икки ойлик даволанишдан кейин бошқа ҳарбий қисм таркибида жанглрда қатнашиб, ғалабани 1945 йил 6 майда Латвияда қўтиб олади. Кейин Ленинградга қайтиб, Ленинград фронтининг захиродаги зобити, совиқ 30-Рига дивизиясида пулемётчилар ротаси командири ўринбосари бўлиб хизмат қилади. 1947 йилда қаддон қишлоғига қайтади. Уйланади, фарзандларни тарбиялаб, вояга етказди. Педагогика институтида тахсил олиб, аввал ўқитувчилик қилади, кейинчалик мактаб директорлигига тайинланади, колхоз раиси бўлиб ишлади.

Орадан йиллар ўтиб, ўша делегация сафида бўлган, кейинчалик Ўзбекистон савдо вазири бўлиб ишлаган Гафур Юсупов 1967 йилда, Иккинчи жаҳон урушининг 22 йиллигида Тешабой Одиловга ўша суронли йилларни эслаб, табрик хати жўнатади.

Тешабой Одиловнинг трикирлигидан 1971 йилда хабар топган Павел Лукницкий ҳам Ўзбекистонга, унинг яшаш манзилига хат ёзади. Ўша йили қаҳрамонимиз ғалаба байрами муносабати билан Ленинградга таклиф этилади ва унга тантанали равишда “Нева Дубровкаси фахрийси” унвони топширилади. У шу ерда Павел Лукницкий ҳамда Андрей Марченко билан қўришади. Адиб бу икки қаҳрамон ҳақида “Известия” газетасига “Улимини енганлар!” (“Сильнее смерти”) сарлавҳали очерк ёзади...



Ҳақим Йўлдошев олган сурат.

“Ҳамма ёшлик дамларини қувонч билан ёдга олса, меннинг ёшлигим ҳаётим давомида тотган энг қайғули кунларимдан хотира бўлиб қолган. Очарчилик, оғир меҳнат азоб. Энг даҳшатлиси, уруш тўғрисида отамдан, уч бирдаги пахтавоқелбат акаларимдан ажралдик. Бу айрилик азобига онажоним дош беролмади, тўшаққа михланди. Орадан ҳеч қанча ўтмай омонатини топширди...”. Ҳақиқатимиз Момаҳол момо уруш даври хотираларини эсланганида, ҳар гал кўз ёшларини тибмайди. Йиллар ўтса-да, Момаҳол момонинг қалбини армон ўртади. Айрилиқ азобидан кўнгли вайрон бўлади...

Ўша машъум урушдан оиласи бағрига ёрғуз юз билан қайтганлар ҳам бор, тенгсиз жасорат кўрсатиб, олиқши сазовор бўлган ватандошларимиз ҳам кўп. Улар миллатимизнинг фахри, ифтихори. Ўзбекининг шундай мард ва жасур фарзандларидан бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўраҳон Усмонов бўлади.

Сирдарё виллоятининг Ховос туманидаги Сават қишлоғида туғилиб ўсган бу йигит айна навқирон ёшида фронтга отланади. Бироз вақт фронт ортида ҳарбий билимларни эгаллайди, жанговар қуролни тўлатуқисиз ўрганади. У жуда ёш ва ғайратли эди. Томирларда уриб турган қайноқ қон уни жасоратга чорлаган бўлса, ажаб эмас.

Урушга кирган дастлабки кунларидеф у сафдошларига урناق бўла бошлади. Ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам

тадбиркорлик билан йўл топа оладиган сержант Жўраҳон Усмонов ҳаммани лол қолдириб, Сталинград учун бўлган жанглрда мислсиз мардлик намунасини кўрсатади. Унинг ғалабага улкан хисса бўлиб қўшилган бу ботирлиги қўмондонлик томонидан муносиб эътироф этилади — у Қизил Байроқ ордени билан мукофотланади.

Фидойилар

1943 йилнинг ёзи. Курск ёнида бўлган қаттиқ жанглрда Ўзбекистонда тузилган 62 ва 69-ўқи дивизиялар аскар ва зобитлари алоҳида жасорат кўрсатди. Аёвсиз жанг бўлди. Курск эгаллангач, аскарларнинг муваффақ ғалабага бўлган ишончи янаям ортди. Эндиги энг катта масала Днепр дарёсини кечиб ўтиш эди...

Бу кечув осон бўлмади, албатта. Чунки ҳар сонияда фашистлар ўқ ёғдириб, аскарларнинг жонига хавф солиб турарди. Натияжада жангчилар сафи сийрақлаша бошлади. Бора-бора қисмда ўн та жангчилар тирик қолди. Шундай бўлса-да, тушқунликка тушмасдан ҳаракат қилди. Мадад кучлари келгунча Жўраҳон Усмонов бошчилигида марран мардонавор эгаллаб турди ва максдага эришди. Бу ҳақиқий муваффақият эди. Энг асосийси, Курскдаги ғалаба ва душманнинг Днепрдан улқотириб ташланиши Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш ясаганди...

Сож дарёси бўйида

Бир кун сержант Жўраҳон Усмонов хизмат қилаётган қисмга “Сож дарёсидан ўтиб,

Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш ясаган жасорат

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Иккинчи жаҳон муҳрабаси бутун инсоният бошига оғир қулфатлар солди. Миллионлаб инсон ҳаётига завол бўлган қирғин қанча-қанча юртдошларимизнинг ҳам ёстигини қуритди. Халқ ҳаловатдан айрилди. Кунлар келдики, бу кечмишлар ўтмишга айланди. Лекин йиллар армони, бу армон доғи ҳали-ҳануз кўнғил тубида сақланиб қолган.

унинг ғарбий ёқасида плацдарм эгаллансин”, деган жанговар топшириқ келади. Топшириқни бажариш учун энг сара аскарлар танлаб олиниб, штурмичи отряд тузилади. Сержант Жўраҳон Усмонов отряд командирининг ёрдамчиси этиб тайинланади.

Отряд кечаси йўлга чиқди. Уларнинг мақсади қатъий эди: душманга қўқисдан ҳамла қилиб, тонг еришгунча улар кўнмин топан тепалиқни ишғол қилиши. 1944 йилда чиқарилган жанговар варақдада ушбу уруш тафсилотлари, ўзбек фарзанди сержант Жўраҳон Усмоновнинг бу урушда кўрсатган жасорати ҳақида бундай ёзилади:

“...Тепалиқ ёнига Усмонов гуруҳи чуқурликдан ўтиб борди. Шундай бўлса ҳам душман совет жангчисини пайқаб қолди. Бирдан пулемёт тариллаб кетди. Жангчилар ерга етиб олдилар. Тепалиқнинг таги очик жой. Ҳамма нарса душманга кўриниб туради. Нар иборишининг иложи йўқ. Тонг яқинлаб келаёттир. Вақт кич. Ана шунда Усмонов бир қарорга келди...

“Қўрқинчли писанд қилмай, Усмонов пулемёт тинимсиз отилиб турган жойга эмаклаб бораверди. Йўлда гранатани ростлаб олди. Тўғрилаб иргитди. Тўсиқ ҳам бартараф қилинди... Эрталаб душман бу кичкина отрядни эгаллаган позициясидан суриб чиқармоқчи бўлиб, қарши ҳужум қилди... Патрон тугай деб қолди. Граната ҳам йўқ эди. Отряд командири лейтенант Озеров қаттиқ ярадор бўлиб ҳушидан кетган эди. Қўмондонлиқни Жўраҳон Усмонов ўз зиммасига олди. Жангчиларнинг юзида хавотир, хатти-ҳаракатларида довдираш пайдо бўлганини кўрган Жўраҳон команда берди:

— Бир қадам ҳам чекинмайсизлар! Улғунча турасизлар!

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ЎзФА Санъатшунослик институти директори ўринбосари, санъатшунослик
фанлари доктори, профессор



Иккинчи жаҳон уруши том маънода дунёдаги нафақат сиёсий ҳаётда, шу билан бирга, маданий-ижтимоий соҳаларда ҳам жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Ўзбекистон халқи ҳам айна даврда жуда катта синовни бошдан кечирди. Ватанга бўлган муҳаббат халқни барча жабҳаларда мардонавор курашишга чорлади. Бу давр маданияти ва санъатида рўй берган силжишлар ушбу муқаддас туйғунинг нечоғлиқ катта аҳамият касб этганини кўрсатади.

ҒАЛАБАГА УНДАГАН САҲНА АСАРЛАРИ ёхуд тарихий қаҳрамонлар бахш этган жасорат

Театр санъатининг халқ маънавиятига таъсир этишида тенгсиз куч экани уруш йилларида яна бир карра исботланди. Ўзбекистоннинг театр санъати арбоблари фашизмга қарши фаол курашчилар сафида бўлди. Бу даврда Ўзбекистонда 51 та театр (шундан 35 таси маҳаллий ва 16 таси эвакуация қилинган театр эди) фаолият кўрсатди. Умуман, 1941 йилдан 1945 йилгача Ўзбекистон театрларида 203 та янги постановка қўйилди, 13568 та спектакль ва концерт намойиш этилиб, 6 ярим миллиондан зиёд томошабинга хизмат кўрсатилди.

Урушнинг дастлабки йилларида “Ўзбекистон қиличи” (Н.Погодин, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Собир Абдулла асари), “Қасос” (Туйғун ва Амин Умарий асари), “Даврон ота” (Комил Яшин ва Собир Абдулла асари) каби қатор драмалар сахналаштирилди. Драматургия ва театр санъати жанговар ва мафкуравий тарғиботнинг қудратли воситасига айлангани эътиборга моликдир. Бироқ ўз вақтида жуда яхши қарши олинган ташвиқот, плакат характеридаги ушбу асарларнинг сахнавий умри қисқа бўлди.

Даврнинг ўзи драматургияга ва театр сахнасига янги мавзу, янги қаҳрамонлар олиб кирди. Халқнинг ўз озолини, ватан бахт-саодати йўлидаги кураши, унинг энг яхши фарзандларининг бу йўлдаги ҳаракатлари кўлаб асарларга асос бўлди. 1941-1945 йиллар давомида ёзилган ва Ҳамза театрида (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) сахналаштирилган “Муқанна” (Ҳ.Олимжон асари, М.Уйғур ва С.Михоэлс постановкаси), “Жалолиддин Манғуберди” (М.Шайхзода асари, М.Уйғур постановкаси), “Алишер Навоий” (Уйғун ва И.Султон асари, М.Уйғур постановкаси) ҳамда ушбу даврда яратилган “Махмуд Торобин” (Ойбек қаламига мансуб опера либреттоси) каби асарлар ўз моҳияти билан тарихий мавзуда яратилган бўлса-да, улар замонавий руҳ, давр нафаси билан йўрилган эди. Натигада тарихий материал замонавий муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар яратувчи майдон бўлиб хизмат қилди.

Ҳамид Олимжон “Муқанна” драмасига VII асрнинг иккинчи ярмида араб босқинчилигига қарши курашга бош қўтарган халқ кўз-ғолони, унинг раҳнамоси Муқанна — Хошим ибн Ҳаким фаолияти билан боғлиқ ҳодисаларни асос қилиб олди. Драматург Ватан озолини, қўлликка қарши кураш, эрксеварлик ғояларини асар маънасида сингирди. Ватанпарварлик туйғуларни драмада қаҳрамонлик, драматизм даражасига кўтарилиб, катта умумлашмаларда таъсири, кучли ва ёрқин характерларда ифодаланган.

Асарни сахналаштириш жараёнида режиссёрлар Михоэлс ва Маннон Уйғур Муқанна ҳаракати моҳиятини тарихан конкрет ва тўғри ифодалашга, унинг ролини жаҳоний акс эттиришга эътибор бердилар. Саҳнадаги шайхона мусиқий оҳанг, романтик руҳ ва миллий ўзига хослик актёрларнинг муваффақиятли ижроларига сабаб бўлди. Абдор Ҳидоятлов ижро этган Муқанна образи давр ҳаракатига таъсир кўрсата олган шахсдир.

1944 йилда Ҳамза театрида Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Манғуберди” трагедияси (преьера 26 декабрда бўлиб ўтган) сахна юзидан кўрди. Шайхзода Жалолиддин образи, унинг фожиасини очиш орқали эл-юрт бошига тушган мусибатнинг асл манбаи сифатида ҳаётнинг афлос, жирканч томонларини қоралайди. Ватан, ҳақ йўлда ўз жонини қурбон қилганлар, эл-улуслар ўртасида дўстлик, биродарлиқни қўлаб-қувватлаганларни шарафлайди. Асарни сахналаштириш жараёнида муаллифининг режиссёр Маннон Уйғур ёнида камарбаста бўлиб туриши, айрим сўзлар ҳаракатини топшида, қаҳрамонлар тилсизлиги кучайтиришда қўл келди. Саҳнавий талқинда режиссёр ўй-фикри ва актёрлар ижросининг тўла мувофиқлигига эришилгани натижасида катта эҳтирос ва кўтаринки қаҳрамонлик руҳи уфуриб турган спектакль дунёга келди. Шукур Бурҳонов Жалолиддин образини энгилмас қаҳрамон, донишманд ва кучли ироддага эга шахс сифатида гавдалантирди. Жалолиддиннинг сафдоши Темур Малик образи А.Ҳидоятлов, бутун қиёфаси билан зулм ва офат тилсози Чингизхон А.Турдубеков ижросида етук ва ўзига хос тилсозини топди.

Асар шунчалик доврқоз кездонди, республика ҳукумати раҳбари Усмон Юсуповнинг махсус тавсиясига кўра, фронтда жўнатилиётган йигитлар сафар олдидан



“Жалолиддин Манғуберди” спектаклини кўриб кетишлари шарт эди. Спектакль охирида бўлгуси аскарлар “Ватан учун!”, “Босқинчиларга ўлим!” деган хитоблар билан оёққа қалқиган.

Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси бу йилларнинг энг катта ютуқларидандир. Асарда Навоийнинг илгор идеаллар учун олиб борган кураши ва гуманизмнинг фожиаси, бу фожиани тугдирган омилларини очиб бериш бош мақсад қилинган. Асар режиссёр Маннон Уйғур томонидан сахналаштирилди. Уйғур спектаклини образли ҳал этишга, ундаги муҳим ҳодисаларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва бу йўл билан асар ғоясини, бадий ифода таъсирини томошабинга тўлароқ етказишга ҳаракат қилди. Ролларни тақсимлашда пьесанинг ўзидан, ундаги персонажларнинг характеридан келиб чиқди, асарнинг талқинида эса мусиқий (асарга композитор Мутал Бурҳонов куй басталаган), юксак кечинмаларга бой поэтик жиҳатларига эътибор қаратилди. Драманинг кутаринки, эмоционал руҳда ёзилгани, унинг ҳам назмий, ҳам насрий йўлда битилганлиги асарнинг тарихий-романтик услубда сахналаштирилишига имкон берди. Маннон Уйғур актёрларни давр руҳига сингириб ижод этишга ундар экан, тил устида пухта ва эринмай ишлашга йўналтирар олган. Шунинг учун ҳам асар тили актёрлар ижросида нафақат тарихий руҳда ва шарқона гўзал лутфада жаранглади, шунингдек, у замонавий ҳам эди. Буюк шоир образи

1944 йилда Ҳамза театрида Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Манғуберди” трагедияси (преьера 26 декабрда бўлиб ўтган) сахна юзидан кўрди. Шайхзода Жалолиддин образи, унинг фожиасини очиш орқали эл-юрт бошига тушган мусибатнинг асл манбаи сифатида ҳаётнинг афлос, жирканч томонларини қоралайди.

ни эса Абдор Ҳидоятлов гавдалантирди. Бироқ премьерадан сўн асар жиддий танқидга учраб, кетма-кет муҳокамалар уюштирилган. Муҳокамаларда муҳолифлар тарих ҳақиқатини бузиб бўлса-да, Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини кескинлаштириб кўрсатишни талаб қилган. Шунда, уларнинг фикрича, ўта идеаллаштириб кетган Навоий образи ҳаётини прототиپига яқинлашармиш. “Ҳар кеча қўйилганда, спектакль турли тўсиқларга дуч келар эди. Муҳокамалардан биринчи Ойбек қатнашгани, Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги кескинлиқни юмшатишни илтимос қилгани эсимда”, деб хотирлаганди устоз санъаткор Зикир Мухаммадзонов.

Тўғри, муаллифлар, сахналаштирувчи режиссёр ва театр жамоаси бунга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Бироқ қайта-қайта муҳокамалар ва талаблар режиссёрни ён беришга мажбур қилган. Натигада спектаклда Навоий ва Бойқаро ўртасидаги муносабатлар анча кескинлаштирилиб, зиддиятлар кучайтирилган. Спектаклнинг 1948 йилдаги янги вариантда бош қаҳрамон образини Олим Ҳўжаев гавдалантирди. Ушбу актёр Алишер Навоийнинг буюк маънавий фазилатлари, нафосати ва истеъдоди, донишмандлиги, инсоний фожиасини лирик-фалсафий йўсинда ҳаққоний, фавқулодда таъсири ифода қилди. Ийрик пландаги, ўткир нигоҳли, чуқур ақл-идроқли, самимий, ўта сипо ва жўшқин характерли Ҳидоятлов Навоийсига хос хусусиятларни чуқурлаштирган ҳолда, Олим Ҳўжаев қаҳрамонни буюк мутафаккир шоир сифатида яратгани асосий мақсад қилди. Актёр образининг лирик хусусиятларига эътибор қаратиш жараёнида қаҳрамоннинг донишманд давлат арбоби эканини ҳам эсдан чиқармади. Бу ижро катта эътирофларга сабаб бўлди ва ушбу образ талқини О.Ҳўжаевга ўтди. Актёр умрининг охирига қадар, ҳақиқатан ҳам, гўё унга атаб ёзилган ушбу образни нафақат севиб ижро этди, балки ҳар бир намойишда қаҳрамонни қиёфасида саҳнада ашай олди.

Жаҳон уруши йилларида ўзбек саҳналарида замонавий мавзуларда ҳам кўлаб асарлар сахналаштирилган бўлса-да, айтиш лозимки, тарихий мавзу “улоқни олиб кетди”. Узоқ ўтмиш, тарихий аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи спектаклларнинг ўз даври учун аҳамияти бекиёб бўлиб, уларда ўлка аҳолиси ҳаётидаги инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш биринчи планга чиқарилди. Узоқ ўтмишнинг тасвирлаш орқали халқнинг бугунги кунини, унинг қаҳрамонлигини кўрсатишни мақсад қилган бу давр саҳна санъатининг новаторлик хусусиятларидан яна бири шундаки, биринчи планга халқнинг тарихий даҳолари, йўлбошчилари образлари олиб чиқилиб, улар тарихий ғилдирагини айланттирувчи буюк куч сифатида гавдалантирилди.

Асарларда тарихий ҳақиқат ва шахснинг тарихий тараққиётидаги ўрни масалалари жуда асосли ҳал қилинди. Тўғри, ҳукмрон мафкура талаби ва таъйиқчи туфайли тарихий шахслар ва улар яшаган давр билан боғлиқ воқеалар тасвирида баъзан ноҳолисликлар ҳам бўлди. Бироқ тан олиш жоиз, ватанпарварлик, юксак идеалларни тарбиялаш ишида тарихий мавзулардаги асарлар жуда катта ижобий роль ўйнади.

МУЗАФФАР МАТОНАТ



ҚОРАХАТ ортидан ОМОН ҚАЙТГАН АСКАР ҳақида

бобонинг отаси Салим бобо асли Қашанининг Лангар қишлоғидан. Талатўп ва қаҳатчилик йиллари билаги кучга тулган Салим бобо тирикчилик важида тоғдан паства инади. Мардикорлик қилиб, Яққабоннинг Қутибуди қишлоғига бориб қолади. Эшикма-эшик юриб кун кўради. Бўз йигит меҳнатқашлиги, хуш феъл-атвори билан одамлар кўнглидан жой олади. Шу қишлоқнинг сулуви қизи Норқолга кўнгли қўяди. Кўп ўтмай, икки ёшни никоҳ аталмиш муқаддас ришта боғлайди ва ёш оила шу қишлоқда яшаб қолади. Улардан елғиз ўғил Мингиш ва икки қизалоқ — Марям ва Хуррам дунёга келади.

Мингиш бобо Салимов 1922 йилда туғилган. 1939 йилда Хиёбондаги мактабда бошланғич таълимни олган. Айна уруш остонасида бир-икки тенгдошлари қатори колхоз маъмурияти томонидан Қарши механика билми юртига ўқишга юборилган. Болалигидан техникани бошқаришга жуда қизиқгани учун Яққабондан Қаршига-ча масофани неча бор яёв босиб ўтган. Билим юртида тракторни бошқариш, тузатиш бўйича қисқа муддат таълим олган. Жангдан қайтиб келиб, колхозда трактор ва комбайнларни бошқарган.

Мингиш бобонинг урушдан бир қоп “кључ” билан келгани ҳам навқирон йигитнинг техника соҳасига бўлган муҳаббатини исбот этади. Бунинг ўз ҳикояси бор. Ҳали-ҳали одамлар қулиб эслаб юради...

Халқимизнинг “Киз берсанг, тўққа бер, пушти ожизангнинг қийналганидан дилинг ўртанмайди”, деган хулосаси ўша даврларда яралган бўлса, ажабмас. Салим бобо катта қизини Қашанининг Қашанига қўшни Тожикистондан кўчи келган Ниёзбойга узатган эди.

Қорахат келган бўлса ҳам Норқол эмом урушнинг сўнгги кунига қадар ўғлининг келишига умид боғлаб, остонага кўз тикади. Аммо аскар ўғлининг дарағи чиқмайди. Муштирап оназор кутиб, зор қақшайди...

— Урушдан кейин қолиб, нима қилгансизлар? — сўрайман қизиқсиниб.

— Ким, меними?.. Шоли ўрганмиш... Хитойда... — хотираларини титқилаб эслашга уринади бобо.

Мингиш бобо урушдан сўнг қўлаб навқирон йигитлар қатори Хитойга, тиклаш ишларига юборилди. Чин халқига қишлоқ ҳўжалиги ишларида қарашади.

...1946 йилда бир гуруҳ аскарлар она Ватанга қайтади. Улар орасида Мингиш Салимов ҳам бор эди. Ғолиб аскар Қашанининг темир йўл вокзалида тушиб, бир қоп “кључ”ни орқалаб, тўғри Қашанига, сингилсиникига йўл олади. Ақасининг омон қайтганидан сингилсини Марям ўзини кўрага жой тополмайди. Аммо Ниёзбой Мингишнинг бир қоп темир-перас билан келганини хушламайди.

— Шунча йил йўқ бўлиб кетиб, шу керакисиз матоҳларни кўтариб келдингми? — дейди қайноғасини қаттиқ қойиб. — Одамлар қўлтигига тарвуз-қовун қистириб, тўлаиб-тошиб келаяпти...

Бир баҳорда йигитнинг урушдан жонига омон, ғалаба билан қайтганининг ўзи Яратганнинг муқофоти эмасми? Салим бобо ўғли Мингишдан қорахат келганидан сўнг Яққабондан Лангарга — ота ўйга кўчиб ўтган эди. Уруш ва қирғинлар, олис сафарлардан омон қайтган Мингиш Ниёзбойдан ранжиб, Лангарга — ота-онасининг олдига яёв йўл олади.

Мингиш урушнинг қаҳшатқич зарбаларида тобланган, техника бошқариши, техник ишларни юритиши, қолаверса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ҳам яхши ўзлаштирган эди. Шу боис, болалиги кечган қишлоқда ҳайдовчи бўлиб иш бошлади. Кейин қўшни колхозда механик, газар бошқарувчиси бўлиб меҳнат қилди.

У урушдан олди қайтган, турли техникаларни туза-тишда қўл келадиган ускуналар Мингишнинг ҳам, колхоз техникаларининг ҳам жонига ора кирди.

Хиёбон қишлоғида урушдан аввалги йилларда мактаб очиб, таълимни йўлга қўйган маърифатпарвар муаллим Чоршанба Норқобилоннинг қизи Ҳадичага уйланди.

1967 йилда янги ташкил этилган, отчиллик соҳасига ихтисослашган А.П.Будёнини номидаги совхозда газар бошқарувчиси бўлиб ишни давом эттирган. Утган асрнинг 74-йилдан сув ҳўжалиги техникалари бошқармасида бош муҳандис бўлиб ишлаган. Уч йилдан сўнг яна ўз колхозига ишга қайтиб, нафақага қадар меҳнат қилган.

Мингиш бобонинг саккиз нафар фарзанди — икки ўғил, олти қизи, уларнинг ортидан 38 нафар невараси ва 83 нафар чевараси бор. Уларнинг нарфарида буюк бугун ҳам бардам, қўли қамиша дуода...

Қаҳшатқич уруш кўрган бобо бугунги даврда давронларнинг завқини тотиб, яшаб юрибди. Айниқса, сўнгги йилларда уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, саломатлигини тиклаш, жасоратни ва хизматларини муносиб тақдирлаш бўйича давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳамда уларнинг ижросидан Мингиш бобонинг кўнгли тоғдек ўсяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлов тўғрисида”ги қарорига асосан, ўн миллион сўм миқдордаги пул мукофоти қайфиятини чўққиларга кўтарди.

Бугунги ойдни кунларимизнинг тамал тошини қўйган қаҳрамон боболаримиз умр йўлининг ҳар қадами бизга сабоқ бўлиб кўринаверади...

Фахриддин ХАЙИТ

Мингиш бобо — тирик тарих! Эсимни танибманки, уруш кўрган бобога ҳайрат ва ҳаяжон билан қарайман. Болалигимда отахоннинг қуролдошлари сафи кенг эди: Ҳаким бобо, Қарши ва Яхши Норовлар, Махмарайим бобо, Эргаш Ўтаев... хуллас, кўп! Уруш кўрган одамларни ҳам йиллар саралаб бораркан. Бир пайтлар улар ғалаба кўни арафасида мактабимиз саҳнасини тўлдириб турарди. Жангу жадалларда улўғ матонат кўрсатган бўлса ҳам қаршимизда хокисор бўлиб ўтирар, улар кўксини безаб турган нишонларни тақиб кўргимиз келарди. Горн ва барабаннинг жанговар садоларидан тўлқинлиб, ўша жасоратни биз кўрсатгандек ҳаяжонланардик. Уйга келиб эса отамдан мен кўрмаган бобонинг уруш хотираларини айтиб беришини қистаб сўрайверардим.

Ана шунақа! Ийлар бизни улғайтирди-ю, уларни жимликка кўчирди. Мингиш бобо эса бир аср остонасида залворли хотиралари билан умргузаронлик қилиб келаяпти. Вақт бобонинг юз-кўзига, онги ва шуурига ўз муҳрини босган. Аммо бобо ўзини дадил туттишга интилади.

Қаҳрамон нуруний биздан икки ўй нарида яшайди, набираси Аслиддин билан болалиқдан дўстми. Унинг тақлифи билан бобосидан кўнгли сўраб ўтдим. Ёмғирли оқшомда тўпроқдек қадимий чол ичи қоришиб ётган хотиралар сандигини ҳар доимгидек очишни истамайди. Мудҳиш кунларни эслаб, қалбини яралагиси келмайди.

Бу кўзлар не-не кўргуликларни кўрмаган, не-не ҳодисотларга гувоҳ бўлмаган, дейсиз. Қорачиқни нурулар тарқ этган, оламни энди қалби билан кўзатади бобо. Сандалнинг бир четиди чўғнинг тафтидан кўпчиган кўрпани оҳиста силайди.

— Бува, яхши ўтирибсизми, зерикиблар йўқми? — деб аҳвол сўрайман, гапни нимадан бошлашни билмай.

— Ўтирибсизми, шуқрини айтиб... — боладай беғубор жавоб қайтаради у.

Дам-бадам дўпписини ечиб, бошини силаб, ўнг кўлининг тирсагини ушлаб қўяди. Бежиз эмас, бошида ва кўлида ўқ қолдиқлари бор. Жонини беҳаловат газар, балки зирқаблар оғриқ берар, балки хотираларини ёдга солар... шу ҳолат тақорланаверади.

— Ёшингизга кириб юрайлик, кўрган-кечирганларингиздан биз, ёшларга ҳам сабоқ учун айтиб беринг. Мана, ғалаба кўни ақин, урушда кўрганларингиздан гапиринг.

— Гапимга жилмайиб қўяди нуруний.

— Ким, меними?.. Ай, калла қолибдим, эсдан чиқиб кетади-да, — деб ийманди бобо. Узи шундай бўлиши керак бўлса ҳам кесалик ҳукмини айтиб, эс-хаёллар баъзан тизгинини бермай қолганидан ийманди.

— Ўзи урушда ким бўлиб хизмат қилгансиз?

— Ўқчилар полкида хизмат қилганман, пулемётдан ўқ отганман. Икки киши яшиқда ўқ-дори етказиб турарди... Унинг даҳшатини сиз тасаввур ҳам қилман!

Оддий аскар Мингиш Салимовнинг йиллар тафти уриб, титила бошлаган ҳарбий гувоҳномасини варақлайман: 1942 йил май ойида 48-гардия ўқчилар полкида ўқи бўлиб хизматчи бошлаган. Сентябрь ойида фашизм билан кечган жангда яраланиб, госпиталга ётқизилган. 1943 йил январдан 110-бўлимга, тракторчилар ротасида хизматчи давом эттирган. Урушнинг сўнгги йилларида 1197-ўқчилар полкига ўтиб, юк машиналарини бошқаради...

Мингиш Салимов Иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонлиги учун II даражали “Улуғ Ватан уруши” ордени билан тақдирланган.

Поитахнинг бош майдонидан жой олган “Хотира хиебони”даги пўлат китобларда Мингиш бобо Иккинчи жаҳон урушида вафот этганлар рўйхатида турибди. Уғли Йўлдош амаки майдонда кўриб келганини отасига айтиб қулади. Бош йўғайди бобо жилмайиб:

— Калининда бўлган катта жангда оғир яраланиб, госпиталга тушганман. Баданимдаги ўқ қолдиқлари ҳам шундан. Бир неча кун ўлардан нари-бери бўлиб, ўзимга кўйилганман. Ушанда ўлганлар рўйхатига киритиб қўйилганман...

Ана шу йили қишлоққа Мингиш Салимовнинг жангда ҳалок бўлгани битилган қорахат келади. Елғиз ўғлидан жудо бўлганини эшитган Норқол момонинг бағри-дили қон бўлади...

— Лекин Қашани тумани, деб ёзилган-ку? Қашанидан кетганмисиз урушга? — савол беради Йўлдош амаки.

— Даладан кетганман. Тракторда ерга ишлов бераётган жойимизга бориб, маймиди-июнмиди, тўғри военкоматга олиб кетишган. Қашанининг тағида “Марксизм” колхозининг лалми ерлари бўлар эди, ўша ерда эдик... Ёш бўлганмиз, қисмат деб, эл-юрт шаъни учун, деб кетаверганмиз-да...

Йўлдош амакининг ҳам гапида жон бор, Мингиш

Илм-фан

Янгича ёндашув

МАТЕМАТИКА МУРАККАБ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИДА АСҚАТАДИ

Электрон шоурум экспортга кенг йўл очади

2020 йил 6 май куни Ўзбекистон Президенти “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.

Абдулла АБЗАМОВ, академик

Мамлакатимизда нима учун математикага бу қадар эътибор берилмоқда? Бунинг ортида бир неча муҳим сабаблар ва узоқни кўзлаган мақсадлар ётибди. Биринчи навбатда, таъкидлаш лозимки, математика фани ва таълимнинг даражаси мамлакат тараққиётининг мезонларидан биридир, миллат интеллектуал салоҳиятининг ўзига хос кўзгусидир.



асосда математик тадқиқотларни амалиётда қўллашга эҳтиёж ҳам кучайиши табиий. Шунинг билан бирга, қарорда бу борадаги вазифалар аниқ ифода этилган.

Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, математика таълимнинг аҳамияти фақат бу фаннинг бевосита татбиқларидан иборат эмас. Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларнинг малакасига, таъбир жоиз бўлса, сифатига боғлиқ. Бунда математик таълим омили алоҳида ўрин тутади. Биринчидан, умумий ўрта таълим фанлари орасида фақат математикага ўқувчиларда мантқиқий фикрлаш қобилиятини тарбиялади. Хусусан, энг содда бўлса ҳам теоремалар қатъий мантқиқий мулоҳаза билан исботланади. Иккинчидан, математи-

Математика ўқувчи ва талабаларда таҳлилий мулоҳаза қобилиятини ўткирлаштиради — бунга кўплаб қадамда ечиладиган масалаларни машқ қилиш, мураккаб масалалар ечимини излаш қобилиятини шакллантириш билан эришилади.

ка ўз фикрини аниқ ва лўнда баён этишга ўргатади. Учинчидан, математик тушунчалар аввал-бошдан абстрактлик хусусиятига эга. Одатда бу лотинча сўз мавҳум деб таржима қилинади, аммо математик тушунчаларга нисбатан бу тўғри эмас — манфий сон, чексизликка чўзилган тўғри чизиқ каби тушунчалар мавҳум (яъни ҳаёлдигани мавжуд нарсалар) эмас. Фанда абстрактликни конкрет (тайин)нинг акси деб тушуниш мақсадга мувофиқ. Аслида қўлни бигиз қилиб курсатиб бўлмайдиган нарсани ифодаловчи (жамият, демократия, адолат, манфаат каби) ҳар қандай тушунча абстрактдир, аммо математик тушунчалар абстрактлиги метронинг зиналарига ўхшаб борган сайн чуқурлашиши билан ажралиб туради. Шунинг учун уларни ўзлаштириш ривожланган ақлий қобилиятни талаб этади. Шу билан бирга, математикани билиш “конкретдан абстрактга ва абстрактдан конкретга” принципига мувофиқ, онг тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, математика ўқувчи ва талабаларда таҳлилий мулоҳаза қобилиятини ўткирлаштириши — бунга кўплаб қадамда ечиладиган масалаларни машқ қилиш, мураккаб масалалар ечимини излаш қобилиятини шакллантириш билан эришилади. Математика, шунингдек, тафаккурнинг бошқа турлари — синтетик, эвристик ва ассоциатив фикрлаш қобилиятини чархлашда ҳам алоҳида ўринга ва имкониятларга эга. Бунинг ҳаётиймига жадал суръатлар билан кириб келган, йиллар ўтиши билан аҳамияти кучайиб борадиган ахборот-коммуникация

технологияларнинг “осмонўпар биноси” Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий томонидан жорий этилган алгоритм концепцияси пойдевориغا асосланади. У моҳиятан математик тушунчадир. Унинг жамият келажаги учун аҳамияти қандай равшан. Шунинг учун бошланғич синфлардан бошлаб математика дарсларида ўқувчиларга алгоритмик тафаккур тарзини синдириб бориш лозим. Хусусан, масала ечимининг алгоритминини топишга ўргатган ўқувчи бир неча ой ичида дастурлаш тилини эгаллаши мумкин. Бунда дастурлаш тиллари мунтазам равишда ўзгариб, янгиланиб боришини, алгоритм на-зарияси эса мутлақ эканини инобатга олиш керак.

Мана шундай хусусиятлари билан математика таълими сирдан қараганда, кўз билан илгаб бўлмайдиган функцияни бажаради — жамиятнинг интеллектуал қобилиятини тарбиялайди ва салоҳиятини юксалтиради.

Эътироф этиш лозимки, юқорида саналган хусусиятлари ҳамда ўзига хос тимсоллар тили сабабли математика фанини ҳамма ҳам осон ўзлаштира олмайдди. Аксинча, агар ўқувчиларнинг тайёргарлиги суст бўлса, ота-оналар ва маҳаллий ҳоқимият томонидан фарзандлар таълим-тарбияси-га етарлича эътибор берилмаса, таълим муассасаларида илмга интилиш муҳити яратилмаса, дарсликлар сифати ва услубияти талабга жавоб бермаса, бу фанга ажратилган соатларнинг катта қисми увол бўлиши сир эмас. Бунинг назарда тутиб, қарорда дарсликларни соддаштириш ва айни пайтда математикага ихтисослашган мактабларда бу фан асосларини чуқурроқ ўргатиш, бир сўз билан айтганда, математика таълимига дифференциал ёндашувга алоҳида урғу берилган, махсус мактаблар ўқувчилари малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш ва маҳоратли муаллимларни рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланган.

Мамлакат миқёсида барча таълим муассасаларининг юқори малакали ўқувчилар, олий ўқув юрталарининг замонавий дастур асосида дарс бера оладиган доцент ва профессорлар билан таъминланиши долзарб вазифадир. Уни бажаришда мамлакатда математика соҳасидаги илмий тадқиқотлар шунчаки ҳисобот учун эмас, балки замон даражасида олиб борилиши муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон математикасининг халқорак миқёсдаги нуфузи қай даражада экани жамоатчилигимизга яхши маълум. Шу билан бирга, бу соҳада ҳал этилиши зарур муаммолар ҳам мавжудки, қарорда уларни ҳал этиш чора-тадбирлари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, Математика институтида ёқланадиган диссертация жараёни барча босқичнинг тўлиқ шу институт ихтиёрига берилиши истеъдодли ёш олимларнинг расмиятчиликка сарфланадиган вақтини тежаб, бутун эътиборини бу фаннинг замонавий муаммоларини ҳал этишга йўналтиришига имкон яратади. Қарорга мувофиқ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги нуфузли муқофот таъсис этилиши эса яқин йиллар ичида мамлакатимизда олиб борилаётган математик тадқиқотлар савияси дунёнинг энг илгор илмий марказлари даражасига кўтарилишига хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз, “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган муҳим тарихий ҳужжатлардан биридир.




Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўтган йили Ўзбек гилоси Россия, Хитой, ҳатто Буюк Британияда ҳам яхши баҳолангани боғбонларимиз кучига-куч қўшди. Бинобарин, мамлакатимизда гилос етиштириш борасидаги тажриба ва экспорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётган. Бугунги кунда Ўзбекистон гилос экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллаб тургани ҳам шундан далolat беради.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2012 йилда 5000 тонна гилос экспорт қилинган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 34000 тоннага етди. Яқин йилларда эса 100 минг тоннага етказиш борасида мутасаддилар томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Жорий йил ҳам табиат инжиқликларига қарамай, ҳудудларимизда гилоснинг ҳосили яхши, — дейди Ўзбекистон экспортчилар уюшмаси раҳбари Мухтор Умаров. — Айни кунларда эртагишар гилослар Фарғонанинг Олтиариқ, Яйпан туманларида, Наманганнинг Тўрақўрғони, Тошкент вилояти ва Самарқандда экспорт учун терила бошланди. Гилос нархи бўйича ижтимоий тармоқларда берилаётган маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида шунини айтиш мумкинки, айни пайтда маҳсулот жойида 1,5-2 доллар, Россияда эса 2,5-3 долларга баҳоланапти. Эртагишар гилос кечкисига нисбатан 30-40 фоиз арзон баҳоланади. Карантин даврида ҳам транспорт воситалари учун вилоятлараро эркин ҳаракатланиб, маҳсулотни ўз вақтида сотишга шариот яратилганидан боғбонларимиз хурсанд. Гилосларимиз шу кунларда Россиядан ташқари Хитой, Европа мамлакатлари, Бирлашган Араб Амириклари ҳам етиб бори. Бу йил ҳосил кўллигини ҳисобга олиб, Инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда Транспорт вазирликлари билан биргаликда маҳсулотни ҳаво йўллари орқали етказиб беришни ташкил этиш режалаштириляпти. Биз эса имкон қадар экспортни юқори нархда амалга ошириш устида Давлат ўсимликлар карантини ва элчионалар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Бундан ташқари, маҳсулот етиштирувчиларга ҳуқуқий ёрдам, молиявий маслаҳатлар, идоралар билан бўладиган муносабатларда ҳам яқиндан кўмак бераймиз.

Экспортчилар уюшмаси боғбонларга мева сифатининг юқорилигини таъминлаш борасида ҳам зарур тавсияларни бериб келмоқда. Юртимиздаги мавжуд олти мингга яқин экспортчи корхонанинг пандемик вазиятда ўз маҳсулотларини хоризжда намоиш қилиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, уюшма томонидан www.uzbekmart.com шоуруми ишга туширилди. “Made in Uzbekistan” брендини оммалаштириш ва экспорт салоҳиятини оширишни мақсад қилган ушбу платформа ёрдамида экспортчиларимиз Америка, Европа, Осиё ва Араб давлатлари, МДҲ ва бошқа бозорларга бемалол чиқишлари мумкин. Бунинг учун электрон шоурумга кириб, маҳсулот бўйича маълумот жойлашнинг ўзи кифоя. Харидорларнинг ўзи экспортчиларимизни топади. Бу, ўз навбатида, ривожланган давлатлар иқтисодиёти ҳам инқирозга учраб турган айни пайтда мамлакатимизда экспорт барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.



Жаҳон тарихига назар ташланса, қайси маконда бўлмасин, у ёки бу тамаддунинг юксак ривожланиш давлари худди шу макон ва замонда математика ривожланиши билан баравар кечгани кузатилади. Бунинг дастлабки назарий математик билимлар жамғарила бошлаган қадимги Бобилдан тортиб, XIX аср охиридан Японияда бошланган илмий-техник сакраш мисолида яққол кўриш мумкин. XVIII асрдан Европада иқтисодиёт ва техника тараққиёт биносининг узлуқсиз қад кўтаришида ҳам XVII асрдан жадал ривожлана бошлаган математика мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаган.

Юртимиз тарихида ҳам мазкур қонуният ўзини яққол намоян этиди. Математика ўз хусусиятига кўра, мустақил ривожлана оладиган фандир, шу билан бирга, физика ва техника фанлари математикасиз ривожлана олмайдди. XX асрга келиб, кимё, генетика ва, айниқса, иқтисодиётда математикалашув жараёни кучайди. Уйғониш даврининг атоқли намоёнчаси Леонардо да Винчи “Табиат қонунлари математика тилида ёзилган”, деган эдики, бугун энди барча табиий фанларда математик усуллар билимнинг асосий воситаларидан бирига айланган. Техника ва технологиялар эса пухта математик билимлар билангина тараққиёт этиши мумкин. Олий таълимни ташкил этишда математик билимлар билан қуролланган муҳандис ва математикдан сарфлаётган ҳамақасби ўртасида фарқ катталигини ҳамиша назарда тутиш лозим.

Ҳолбуки, сўнгги 20 йил давомида муҳандислик ихтисосларининг ўқув режасида математика фанининг салмоғи кескин қисқариб юборилган эди. Қарорда бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб математика усуллари деворли барча соҳаларга, ҳатто тилшунослик ва психологияга кириб борган, математик ва структурал лингвистика, психометрия каби йўналишлар пайдо бўлди. Айниқса, ахборот ва компьютер технологиялари математик билимларга асосланиб ривожланади. Математик методлар билан компьютер имкониятлари қўшилиши эса табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганишда самарали тадқиқот қуролга айланмоқда.

Ишлаб чиқариш йириклашгани, мураккаблашгани сайн харажатларни ва атофмуҳитга зарарни камайтириш, бошқарувни оптималлаштириш каби масалаларнинг роли ортиб боради. Уларни ҳал этишда, бир томондан, тегишли соҳа мутахассисларининг математикадан тайёргарлиги муҳим бўлса, иккинчи томондан, татбиқий ва амалий математикани ишлаб чиқариш билан яқинлаштириш зарурати кучаяди. Мамлакатимиз яқин ички маҳсулотни кўрсаткичинини яқин йиллар ичида икки бараварга ошириш мақсади кун тартибига қўйилган экан, бу эзу ва улугвор вазифасини бажариш жараёнида йирик ҳамда мураккаб ишлаб чиқариш соҳаларининг салмоғи ортиши ва шу



ҚАРОРГА МУВОФИҚ,
МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ҲАР БИР ТУМАН (ШАҲАР)ДА МАТЕМАТИКАГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Мактабгача ёшдаги болаларда илк МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш, ҳудудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда ЯНГИ МАКТАБЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИДИР.

Қарорга кўра, ҲАР БИР ТУМАНДА (шаҳарда) МАТЕМАТИКА ФАНИНИ чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар (ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР) босқичма-босқич ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.



Ихтисослаштирилган мактабларда мактаб директори тегишли ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА БОШҚАРУВ ЖАРАЁНЛАРИГА МАТЕМАТИК усуллар ва моделларни жорий қилиш масалалари бўйича МАСЛАҲАТЧИСИ ХИСОБЛНАДИ.



Ихтисослаштирилган мактабларда ўқувчилар белгиланган тартибда ТАНЛОВ АСОСИДА САРАЛАБ ОЛИНАДИ.

Математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синф битирувчилари тегишли ОТМЛАРНИНГ МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИГА улар учун белгиланган МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ғафур Ғулом таваллудининг 117 йиллигига



КЕЧҚУРУН ОШ СУЗСАК, БИР НАСИБА КАМ

10 май — Ўзбек ва жаҳон адабиётида ўзининг ўлмас сатрлари ҳамда сермахсул ижоди билан ёрқин из қолдирган ижодкор Ғафур Ғулом таваллуд топган кун

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, профессор, Шавкат ХАСАНОВ, Самарқанд давлат университети кафедра мудири, профессор

Ғафур Ғулом хикоя, очерк, фельетонлар қатори “Негай”, “Ёдгор”, “Тирилган мурда” каби қиссалари билан 30-йиллардаёқ ўзбек адабиётида кўзга кўринган ижодкорга айланиб улгурганди.

Уруш йилларида адиб ўз ижодининг бутун ҳароратини фашист боқинчиларига қарши курашаётган халққа бағишлади, унинг муқаррар ғалабасига ишонч руҳи билан сугорилган шеърлар яратди. “Сен етим эмассан”, “Кузатиш”, “Вақт”, “Соғиниш” каби шеърлар, публицистик очерк ва мақолалар ёзиб, халқни жанг ва меҳнат ғалабасига олантирди.

Адибнинг ижоди урушдан кейинги йилларда ҳам халқ ҳаётининг шу даврдаги ўзига хос илҳомаси ўлароқ намоён бўлди.

Агар Ғафур Ғулом шеърини асарлари билан файласуф шоир даражасига кўтарилган бўлса, “Шум бола” қиссаси, “Менинг ўрғинга болам” сингари хикоялари билан халқ турмуши ва руҳини яхши билувчи моҳир носир эканини ҳам намоён этди.

Ижодкор асарлари мазмунан теранлиги, ҳажв ва фалсафага бойлиги, ўзбек халқининг менталитети, урф-одат ва анъаналари, орзу-армонларини акс эттиргани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Адиб ўзбек таржима мактабининг майдонга келишига ҳам улкан ҳисса қўшди. У Шекспирнинг “Отелло”, “Қирол

Лир” сингари жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган драмаларини ўзбек тилига катта маҳорат билан ўғирди.

Сир эмаски, мумтоз шарқ адабиётида алоҳида эътиборда бўлган, қайта-қайта мурожаат қилинган масалалардан бири ВАҚТ фалсафасидир. Жумладан, ҳазрат Навоий девон туганларида, уни инсон умрига қийсалаб, тўрт фаслга ажратди. Ҳар бир фасл муайян вақт доирасида ўзлигини намоён этади ва ўзидан кейинги фаслга йўл очиб беради. Шу боис, ёшлиқда эгалланиши зарур бўлган илм-маърифатни, касб-хунарни бошқа фаслга кўчириб бўлмайди. Шоир айтганидек, на баҳона, на кўзёш, на пушаймон ўтган фурсатни ортага қайтара олмайдди. Чунки инсон фалақнинг айланиши, замонларнинг ўтиши, табиат қонунларига қаршилик қилолмайди. Шундай экан, фурсат ғаниматлигини англамоқ сўз санъатида кўп бор таъкидланган.

“Мен Шарқ шоириман. Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг хеш-ақрабларим”, дея эътироф этган Ғафур Ғулом мумтоз шеърятда сайқал топган вақт поэтикасидан яхши хабардор бўлган ва бир қатор шеърларида бу тушунчанинг мукамал об-

разини яратган. Масалан, у “Соғиниш” шеърда “Кечқурун ош сузсак, бир насиба кам”, деб ёзди.

Бу шеърда Ғафур Ғулом вақт бўлақларини шундай маҳорат билан кўллайдикки, уни бошқа бир синоним билан ўзгартиришнинг иложи йўқ. Мабодо “кечқурун” ўрнида “туш чоғи” десак, биринчидан, ҳаётий ҳақиқатга тўғри келмайди: уруш даври туш чоғида ошни орзу қилишнинг ўзи хом-хаёллик, иккинчидан, дилнинг хуфтон бўлишига қоронғиликнинг ҳам ҳиссаси бор.

Унинг ижодида бундай мисолларни кўплаб учратиш мумкин.

Шоир бир шеър доирасида асосий поэтик фикрни ривожлантирар экан, гоҳ хикоя, гоҳ мурожаат услубига ўтиб туради, айни пайтда лирик чекимлар қилиб, ўз шахсияти, биографиясига оид гапларни ҳам синдириб юборади. Бунда ҳам вақт тушунчасини муайян фаолият тури билан боғлиқ тарзда конкретлаштиради, эрта тонгда туриб, китоб ўқийди, ўроғу гулқайчи қўтариб, миллий воқеликка хос иш билан машғул бўлади. Урушнинг “лойка ҳаёлотлар”ини бундан ўзгача йўллар билан тиндириш мумкинмикин?!

“Вақт” шеъри Ғафур Ғуломнинг замон категорияси, XX аср кулфатлари билан боғлиқ мулоҳаза ва мушоҳадаларини умумлаштирувчи мукамал асарлардан бири.

Ғулам очилгунча ўтган фурсатни, Қаналак умрига қийс этгилки.

Қапалак бор-йўғи уч кун ҳаёт кечирар экан. Мана шу қисқа фурсатда тугилади, табиатнинг бир ўзига айланади, гуддан-гулга кўнади, парвоз қилади, кўзларни яшнатади ва ўлади. Шуларни

ўйлаганда, кунлар, ҳафталар, ойлар, баъзан йилларнинг беҳуда ўтаётганидан, умрнинг бебаҳо лаҳзаларини арзимас нарсаларга, майда хою хавасларга сарфланаётганидан изтиробга тушади киши.

...Ярим соат ичида тугилиб, ўсиб, Яшаб умр кўриб, ўтувчилар бор. Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат, Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

“Вақт” шеърдаги ҳар бир сўз, ҳар бир детал, гап, поэтик гоғина очишга йўналтирилаётган ҳар бир мушоҳада вақт тушунчасига, уни беҳуда сарфламаслик масаласига боғланаверади, ўзининг янгидан-янги қирралари билан намоён бўлаверади. Муҳими шундаки, мисрадан-мисрага, банддан-бандга ўтган сари дақиқа, сонияларнинг бетакрорлиги ва аҳамияти очила боради ва шеър сўнггида умрбоқийлик мазмуни фурсатни ғанимат билиб, ундан умумий фойдаланишда, деган теран хулоса чиқарилади.

Уткинчи хою хаваслар йўлида умрни зое кетказмаслик, унинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билмоқ, ҳақиқий гўзаллик инсон маънавий оламнинг бойлиги эканини англаш, инсон руҳий камолоти каби урфоний ва ҳаётий гоғилар Ғафур Ғулом поэтикасининг ўзигини ташкил этади. Қуйидаги сатрлар эса файласуф шоиримизнинг сизу бизга, келажак авлодларга меҳру муҳаббат билан битилган қалб даъватидек жаранглайди:

Азиз умримизнинг азиз оилари, Азиз одамлардан сўрайди қадри. Фурсат ганшамандир шох сатрлар-ла, Бозалоқ чоғидир умр дафтари.



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Вафо ҳайкали

Ҳар кўнгилда орзу бор, армони ҳам уммондир, Инсон умри аслида, орзу билан армондир, Вафодан йироқ бўлса, яшагани ёлгондир, Ўйламанг, машғум жанглар ўтмишининг ҳикояси Бу даргоҳ — тирик тарих, “Матонат мадҳияси”.

Бир жаҳонни кул қилди икки жаҳон уруши, Иккинчиси Гитлернинг қаҳрида қон уруши, Етмиш беш йил ўтса ҳам, титратар жон, уруши, Беш юз минг шахид ахир, миллат дилин яраси, Қурбонларни ёд этмоқ — “Матонат мадҳияси”.

Беш ўғил тўққан она — бешта тоғим бор, деган, Изимда ёниб турган беш чирғоғим бор, деган, Ҳар бири юрт қалқони, эл олдига ор, деган, Аммо жангдан қайтмади, бешов жигарпораси, Матонатидан гирён — “Матонат мадҳияси”.

Бугун эл танимоқда Зулфия Зокир қизин, Таниганда тополмас ойдан ҳам ёруғ изин, Ўзбек онаси шундоқ — оқлаган она тузин, Бир онанинг беш ўғли — Ватаннинг беш қояси, Беш қоя бир онанинг “Матонат мадҳияси”.

Ҳеч бир кимса кўрмасин, бундай дил озорини, Кўз очинг, қалбни очинг, тингланг она зорини, Ғалаба боғида ҳам йўқлар бешта норини, Бормикан бир онага беш азоб ниҳояси, Беш ўғил — бир онанинг “Матонат мадҳияси”.

“Исоқжоним — тўнғичим, аввал келар, деб эдим, Изидан Аҳмаджоним елдек елар, деб эдим, Маҳмад омон келса, уйим тўлар, деб эдим, Ваҳобжон, Юсуфжоним на ўзи бор-соysi, Беш ўғлим — миллатимнинг “Матонат мадҳияси”.

Келинлар қайнонанинг қадрига қалқон бўлди, Тўрт келин бир онанинг дардига дармон бўлди, Ҳаётдан тоқ ўтдилар, беш етимга жон бўлди, Бу ўзбек аёлининг орият ҳимояси, Садоқат санамларин “Матонат мадҳияси”.

Зулфия она умри — вафонинг нолақидир, Тўрт келин тўққан ёшлар — соғинчнинг жоласидир, Улар бир мушт, беш бармоқ — Ўзбекининг онақидир, Вафога ҳайкал қўймоқ — Юртбошининг гоғиси, Шу гоғидан яралди — “Матонат мадҳияси”.

Янги нашр

Чўлпон шеърлари рус тилида чоп этилди

Фозил ФАРҲОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати раҳбари

“Mashhur-press” нашриёти томонидан атоқли шоиримиз Чўлпоннинг шеърлар тўплами рус тилида 2 минг нусxada чоп этилди. Нашр “Ижод” жамоат фонди молиявий кўмагида амалга оширилган.

Шу пайтгача Чўлпоннинг тўрт-бештагина шеъри русийзабон шоир Баҳодир Аҳмедов таржимасида “Звезда Востока” журна-лида чоп қилинган, тошкентлик таржимон Нинель Владимировна томонидан эса унинг “Новой киз” хикояси рус тилига ўғирилган эди, холос. Айтиш мумкинки, Чўлпон ижоди, хусусан, унинг гўзал шеърини ҳамон русийзабон ўқувчилар учун очилмаган кўриқ бўлиб келаётганди.

“Мгновения любви” (“Суйган чоғларда”) деб ном берилган ушбу тўпламда Чўлпоннинг эллика яқин шеъри жам бўлган. Тўпламдаги шеърлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Николай Ильин томонидан рус тилига маҳорат билан ўғирилган бўлиб, бадиий таржимаси Рисолат Ҳайдаровнинг тағамалари асос бўлиб хизмат қилган.

Тўпламни тузишга бир йилдан ортироқ вақт кетди, — дейди Николай Ильин. — Бунгача Чўлпоннинг бир неча шеърини таржима қилиб кўрган эдим. 2018 йилнинг ноябрь ойида шoirнинг шеърини тўпламини рус тилида тайёрлашни таклиф қилдим. Рисолат жон деб рози бўлди. Бунга қадар иккимиз бир қанча ишларда ҳамкорлик қилгандик. Таржима жараёни



кашифётларга тўла бўлди, десам мубола-ға бўлмайди. Ҳар бир шеърни сатрма-сатр таҳлил қилдик. — Тўпламни тайёрлаш жараёнида Чўлпон шеърини ўзгача назар билан қарай бошладим, — дейди Рисолат Ҳайдарова. — Шоир сатрларида яширин маънолар шу қадар теранки, хайратланмай илжи йўқ. Нозилик, истиора, жўшқинлик, баъзида истехзо ва қутилмаган мунг — буларнинг бари Чўлпон шеърларининг қиёфаси. Баъзи пайтлар Чўлпоннинг сатрларини Мин-ҳожиддин Мирзо, Азиз Саид билан бир-галашиб таҳлил қилган пайтларимиз ҳам бўлди.

Бу нашр XX аср ўзбек шеърининг атоқли намояндаси Чўлпон ижоди ҳақида русийзабон ўқувчиларга кенгроқ тасаввур бериш йўлидаги биринчи уринишдир. Ишонимизки, сеvimли шоиримизнинг шеърлари русийзабон ўқувчилар учун ўзига хос кашифёт бўлади ва кейинчалик Чўлпон ижоди рус тилига янада кенгроқ таржима қилинади.

Туризм

Машхур “France 5” телеканалда Ўзбекистонга унутилмас саёҳат тафсилотлари намоён этилди

Л.СУВОНОВ

Франциянинг “France 5” телеканалда 2 май кунини Ўзбекистон ҳақидаги аjoyиб видео эфирга узатилиб, уни 1 миллиондан зиёд томошабин кўрди.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ахборот хизматининг маълум қилишича, “Echarrées Belles” теледас-турида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Нукус ҳамда Мўйноқ каби ша-ҳарларнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, табиати, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи намоён этилган.

Дастур бошловчиси Софи Жовийяр Тошкент шаҳридаги Чорсу бозори бино-си, Самарқанддаги Регистон майдони, Бухородаги Пойи Калон комплекси, Хи-вадаги Ичан қалъа, Нукусдаги Савицкий

музеи каби кўплаб жойларда бўлиб, бу ерларнинг ўзига хос мейморчилик-дан ҳайратини яшира олмайдди.

“Тушимми, ўнгимми?! Дарҳақиқат, аjoyиб маскан. Қанонлардир Самар-қанд дунё марказларидан ҳисобланган, Регистон эса мана шу марказнинг марказидир, шундайми?” дейди у.

Франция телеканалда эфирга узатилган кўрсатувнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда Ўзбекистон манзараси айнан миллий урф-одатлар ва анъаналар, шунингдек, хунармандчилик орқали гўзал тарзда очиб берилди.

Жумладан, теледастур бошловчиси Самарқанд шаҳридаги никоҳ тўйла-рининг бирида бўлиб, у ердаги барча урф-одатларни катта қизиқиш билан кўзатади. Келин ва кўевнинг тарихий



қадамжоларга ташрифи давомида Софи кўёвга савол беради: “Тарихий обидаларга ташриф жараёни сиз учун қанчалик муҳим? Бу ерга келиб, сурат-га тушишда қандайдир маъно борми?”

Кўёв йигит тарихий обидаларни зиёрат қилиш, албатта, муҳимлиги, зеро, бу жойларни дунёга машхур аждодларимиз бунёд қилганини фахр билан таъкидлайди.

“Сизнинг жавобингиз менинг қалбимга чуқур таъсир қилди, раҳмат сизга, бахтли бўлинглар!” дейди Софи.

Дастур муаллифи ўзбек халқининг меҳмондўстлигини алоҳида завқ билан тилга олади.

“Бу юртдан олган таассуротларимни бошқа ерда ҳис қилмаганман, Ўзбекистонга саёҳатим унутилмас бўлди. Ўзбек халқининг меҳмондўст-лик деган одати маъжуд бўлиб, бу дийрда сизни доим яхши кайфият ва илиқлик билан қарши оладилар”, дейди кўрсатув муаллифи.

Туризмни ривожлантириш давлат



Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Бююртма — 1263. 42644 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахоноси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. ЎЗА якуни — 00:30 Топширилди — 00:55 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусахҳиҳ: Насиба Абдуллаева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй